



Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши
курашиш қўмитаси



Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ЎРТАСИДАГИ
ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ

М Е М О Р А Н Д У М



ТОШКЕНТ - 2020

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш
қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги
МЕМОРАНДУМ**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан кейинги ўринларда “Агентлик” деб юритилади) бир томондан ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (бундан кейинги ўринларда “Қўмита” деб юритилади) иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда,

“Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда дастурий ҳужжатларидаги ўзаро муштарак мақсад ва вазифаларга асосланиб,

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1. МЕМОРАНДУМ ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Агентлик:

а) Агентлик тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзига белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қўмита билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади, шу жумладан томонларнинг келишувига асосан ҳамкорликдаги назорат тadbирларини ташкил қилади;

б) Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларида коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларини белгилаш, рақобат муҳитига таъсир қилувчи ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифларни ҳамкорликда ишлаб чиқади;

в) Қўмита томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга олиб келувчи омилларни бартараф этиш юзасидан билдирилган таклифларни қонунчиликка киритиш бўйича тегишли чораларни кўради;

г) Қўмитага коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро

стандартларни жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштиришда кўмаклашади;

д) Қўмита ходимларини Агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш йўналиши доирасида ташкил этиладиган тарғибот ва профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари, хорижий мутахассислар иштирокидаги учрашувлар, муҳокамалар ва семинарларга таклиф этади;

е) Коррупцияга қарши курашиш йўналиши доирасида Қўмита томонидан ўтказиладиган муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Агентлик ходимлари иштирокини таъминлайди.

Қўмита:

а) ўз тизимида ва ўз ваколатлари юзасидан амалга оширадиган вазифалари доирасида коррупцияга олиб келувчи омиллар фактини кўрсатувчи ҳолатлар ва аломатлар аниқланганда, Агентликни хабардор қилади;

б) ўз тизимида ва ўз ваколатлари юзасидан амалга оширадиган вазифалари доирасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширади ҳамда бундай чоратадбирларни амалга оширишда ва уларни мувофиқлаштиришда Агентлик билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

в) тизим ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш йўналишида давра суҳбатлари, соҳа мутахассислар иштирокидаги учрашувлар, муҳокамалар ва семинарлар ташкил қилади;

г) рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш давомида коррупцияга олиб келувчи омиллар фактини кўрсатувчи ҳолатлар ва аломатлари аниқланганда, Агентликни 3 (уч) иш кунинда тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда хабардор қилади.

2. ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Томонлар мазкур Меморандумнинг 1-бандида назарда тутилган вазифалар бўйича ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича ишчи учрашувлар ўтказадилар ҳамда зарурий маслаҳатлашувларни амалга оширадилар.

Ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида Томонлар:

а) ўз вакилларида иборат ишчи гуруҳларини тузиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари мутахассисларини жалб қилиш;

б) ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланиши мумкин.

Меморандум доирасида Томонлар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳужжатлар, стратегия ва йўл хариталарида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш мақсадида қўшма режаларни қабул қилиши мумкин.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Томонларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) Ҳаракатлар стратегияси ва Давлат дастурларида коррупцияга қарши белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинар, тренинг, давра суҳбатлари, форум ва бошқа тадбирларни ташкил этишда малакали мутахассислар иштирокини таъминлаш;

б) ушбу Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши вақтида ҳар бир Томон иккинчи Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужжат, конфиденциал ахборотларни ёки бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик (ушбу Меморандум ўз кучини йўқотишидан қатъий назар, Томонлар мазкур модданинг б-банди қоидалари амалда бўлиши тўғрисида келишиб олдилар);

в) ахборот алмашинувини тизимли равишда йўлга қўйиш.

4. МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Томонлар ушбу Меморандумда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун сарфланадиган харажатларни ўз маблағлари, ҳомийлик ҳамда хайриялар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширадилар.

Ҳамкорлик фаолияти юзасидан алоҳида ҳолатлар бўйича Томонлар қўшимча келишув асосида ўзаро молиявий кўмаклашиш тўғрисида келишиб оладилар.

5. МАСЛАҲАТЛАШУВ

Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

6. ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартиш ёки қўшимча киритиш ҳақида иккинчи Томонга ёзма равишда таклиф юбориши мумкин.

Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

Ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ҳамкорлик йўналишлари ёки унга асосланган Томонларнинг мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ёки музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

8. МЕМОРАНДУМНИНГ КУЧГА КИРИШИ, АМАЛ ҚИЛИШИ ВА ЎЗ КУЧНИ ИЎҚОТИШИ

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва

3 (уч) йил муддат давомида амал қилади.

Томонлар келишуви ўзгармаган ҳолда, ушбу муддат кейинги 3 (уч) йиллик муддатга узайган ҳисобланади.

Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, Томонларнинг бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш тўғрисида 1 (бир) ой олдин ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилишини тугатиши мумкин.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, мазкур Меморандум қуйида ваколатли имзо чекувчилар томонидан имзоланди.

Тошкент шаҳрида 2020 йил 22 декабрь куни 2 (икки) нусхада давлат тилида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
агентлиги раиси



Н. Шарипов
Тошкент шаҳри,
Лабзак кўчаси, 3-уй

Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори



А. Бурханов
Тошкент шаҳри,
Ш.Руставели кўчаси, 8-уй